



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 25 декабрь, № 272 (9167)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

24 декабрь куни бўлиб ўтган телефон мулоқотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни таваллуд куни билан самимий муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчисининг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни бирлаштириш, барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқаро нуфузини оширишдаги тарихий ролини алоҳида қайд этди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Жорий Иқтисодий кооперация йилида биргаликда амалга оши-

рилган ишлар унумли бўлгани мамнуният билан қайд этилди. Барча даражада самарали мулоқотлар ва алмашувлар давом этмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш жадал суръатларида ўсиб бормоқда. “Йўл харитаси” асосидаги 20 та устувор йўналишдаги лойиҳалар фаол паллага кирган.

Тадбирларга бой маданий-гуманитар алмашувлар дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари халқаро кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, келгусидаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 декабрь куни Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Яратилган шарт-шароитлар ва берилган имтиёзлар ҳисобига сўнгги саккиз йилда вилоятга 3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинган, 4 мингта саноат корхона-си ишга туширилган. Саноат ҳажми икки баробарга ошиб, жорий йилда 17,2 триллион сўмга етиши кутилмоқда. Чарм-пойабзал, зарғарлик, қурилиш материаллари ва фармацевтика каби янги тармоқлар шаклланди.

Камбағалликни қисқартириш бўйича ҳам яхши натижаларга эришилди. Жорий йилда 126 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 9,3 фоиздан 5,6 фоизгача пасайиши кутилмоқда. “Тўпаланг” сув омборидан қувур тортиш орқали Шеробод, Бойсун, Бандихон, Музработ, Олтинсой, Ангор, Жарқўрғон ва Денов туманларида яшовчи 2 миллион аҳолининг ичимлик суви муаммоси тўлиқ ҳал этилган.

Шунга қарамай бой табиий ресурслар ва етарли инфратузилмаси бўла туриб Сурхондарё вилояти саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизматлар ва туризм соҳаларида қатор ҳудудлардан ортада қолаётгани қайд этилди. Хусусан, вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми Сирдарё вилоятига нисбатан 1,5 қарра, Жиззах вилоятидан 1,8 баробар ва Хоразм вилоятдан 2 баробар кам.

Мева-сабзавот экспорти ҳам Самарқанд, Тошкент вилояти, Фарғона ва Хоразм кўрсаткичларидан паст. Вилоятдаги қазилма бойликлар 600 миллиард долларга баҳолангани, бироқ бу салоҳиятнинг ҳатто 10 фоизи ҳам ишга солинмагани қайд этилди.

Шу муносабат билан вилоятни инвестиция, иш ўрни, аҳоли даромади ва экспорт суръатлари энг тез ўсаядиган ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда келгуси йилда вилоятда аниқланган 114 та қазилма конлар захираси асосида янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Келгуси йилда ушбу конларда 3,2 миллиард долларлик 91 та лойиҳани бошлаш, шундан 2 миллиард долларлик қисмини ишга тушириш режалари белгиланди.

Шунингдек, драйвер лойиҳалар инфратузилмасига 175 миллиард сўм ажратилади, бунинг ҳисобига 1 триллион 200 миллиард сўмлик 36 та лойиҳа амалга оширилиб, 9 мингта иш ўрни яратилади.

Туризм соҳаси муҳокама қилинар экан, вилоятда атиги 47 та меҳмонхона фаолият юритаётгани, 4 ва 5 юлдузли ёки бренд меҳмонхоналар мавжуд эмаслиги қайд этилди. Бойсун, Сангардак ва Омонхона каби юқори туристик салоҳиятга эга ҳудудлар имкониятларини тўлиқ ишга со-

либ, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, янги туризм йўналишлари ва объектларини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ ҳўжалигида мева-сабзавот ишлаб чиқаришнинг 60 фоизи Денов, Шеробод, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Музработ ва Сарийосиё туманлари ҳиссасига тўғри келаётгани қайд этилди. Келгуси йилда Ангор, Қизилор, Термиз, Узун ҳамда иқтисослаштирилган бошқа туманларда ҳам экспортни кўпайтириш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларини тақдирот қилди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудда йўлларни таъмирлаш, уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича ҳам кўрсатмалар берди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Т. Норбоевнинг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

**Қадри ватандошлар!** Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қайд этиш лозимки, мазкур ислохотлар осон бўлмаган шароитларда, жаҳон микросида халқаро вазият мураккаблашиб, турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий инкирозлар авж олаётган бир вақтда ўтказилмоқда.

Бош мақсад аниқ ва равшан — инсон қадрини улуглаш, адолатни қарор топтириш ва давлатни халққа хизмат қилувчи тизимга айлантириш.

Бу ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ва қатъий сиёсатнинг натижасидир ва энг аввало, мамлакатни очик, адолатли ва инсонпарвар давлат сифатида ривожлантиришга қаратилган.

Бугун “Фуқаролар давлатга эмас, давлат фуқароларга хизмат қилиши шарт” деган тамойил ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда. Давлат хизматларини

соддалаштириш, рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Шу билан бирга, биз бир ҳақиқатни очик тан олишимиз керак: танланган йўл осон эмас. Бугун ислохотлар йўлидаги асосий тўсиқлардан бири, бу — **коррупция омилли**.

Коррупция — фақат иқтисодий зарар эмас. Бу адолатга, инсон ҳуқуқларига, жамиятга бўлган ишончга путур етказадиган жиноятдир.

Бугун у бутун дунё учун глобал таҳдидга айланган.

Шу сабабли мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши соҳада мутлақо янги босқични бошлаб берди. Илгари бундай ягона ва комплекс ҳуқуқий асос мавжуд эмас эди.

Қонун ва унинг асосида қабул қилинган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши курашишда **тизимли, очик ва институционал ёндашувни** шакллантирди.

Энг муҳими, бу кураш фақат жазо чоралари билан чеклиниб қолмасдан коррупцияни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилди.

Шу мақсадда муҳим институционал ислохотлар амалга оширилди. **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташкил этилди. Парламент палаталарида **тегишли кўмиталар**, маҳаллий Кенгашларда **коррупцияга қарши комиссиялар** фаолияти йўлга қўйилди.

Айниқса, **Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг** ташкил этилгани жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим қадам бўлди.

**Миллий кенгаш** томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишлар ҳолис ўрганилмоқда, камчиликлар юзасидан

аниқ вазифа ва чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил 5 март куни бўлиб ўтган Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича амалга оширилган ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни белгилаб берди.

Давлат раҳбари томонидан **55 та аниқ ташаббус** илгари сурилди ва коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа экани яна бир бор таъкидланди.

Шу асосда қатор амалий ишлар қилинди. Қонунчилик такомиллаштирилди, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди, бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ушбу ислохотлар коррупцияга қарши курашишда фақат уларнинг **оқибати билан эмас, балки профилактик ва тизимли ёндашувни** жорий этиш имконини бермоқда.



## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Болажонларга чексиз қувонч улашмоқда

Айни кунларда юртимиз бўйлаб Янги йил шодиёнаси шуқуқи кезмоқда. Барчанинг юз-кўзида табассум, қалбида ўзгача ҳаяжон. Айниқса, бу байрамни болажонларнинг интизорлик билан кутадиган сеvimли айёми, десак, муболага эмас.



Шуқуқ

Ҳар йили ўтказиладиган “Президент арчаси” тадбирлари болалар қалбида унутилмас хотиралар қолдиради. Айём доирасида меҳрга муҳтож болаларга гамжўрлик кўрсатиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда хайрли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Жорий йилда ҳам шундай бўляпти. Аънаана мувофиқ, мамлакатимиз бўйлаб болажонлар учун тайёрланган Президент совгалари жойлардаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, “SOS — O‘zbekiston bolalar mahallalari”,

Гўдақлар уйлари, оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, Ватанимиз тинчлиги йўлида халқ бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фарзандларига етказиб бериляпти.

Маълумот учун айтиш жоизки, Президент совгалари таркибидан 24 турдаги ўқув қуроллари ҳамда 34 хил ширинликлар ўрин олган бўлиб, улар болаларнинг билим олишига бўлган қизиқишини ошириш, байрам кайфиятини янада кўтаришга хизмат қилмоқда.



## Муносабат

Замонавий демократик давлат, эркин ва очик фуқаролик жамияти шароитида фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлашнинг энг мақбул ҳамда ишончли механизми сифатида самарали одил судлов фаолияти эътироф этилади. Шу боис суд тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уни бугунги мураккаб давр талабларига мослаштириш Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий сиёсатнинг энг устувор йўналишига айланди, десак, айни ҳақиқат.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ КАФОЛАТЛАРИ

Кейинги 8-9 йил ичида суд органлари фаолиятини тубдан демократлаштириш, очик ҳамда шаффоф тартиб-таомиллар асосида ривожлантириш мақсадида етмишдан ортқик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Эътиборлиси, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бири миллий суд тизими фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам шаклан, ҳам моҳиятдан фундаментал янгиликларни олиб кирди. Мамлакатимиз суд тизими тарихида илгари мавжуд бўлмаган, халқаро талаб ва стандартга мос янги тузилма ҳамда янги органлар фаолияти йўлга қўйилди.

Аниқ изчиллик ва муайян тадрижийликка асосланган мана шундай ҳуқуқий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг шу йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фао-

лиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони имзоланди.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётининг сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичида Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ туб ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи бошланиши билан, яъни 2017 йилда янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва у Конституциявий суднинг янги ланиш даврини бошлаб берди. 2021 йил

27 апрелда эса “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий суд қонунда мамлакатимизда тарихан биринчи марта Конституциявий суд судьясини алмаштириб бўлмаслик принципи жорий этилди.

Судья ўз ваколатлари даврида алмаштирилмаслиги, судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослар таъминланган ҳудудда судьяларнинг алмаштирилмаслиги принципини амалда таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустақиллиги ҳамда дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда, шунингдек, одил судловга оид халқаро талаб ва стандартларда белгиланган судьяларнинг алмаштирилмаслиги принципини амалда таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида СИФАТЛИ ТАЪЛИМ — ЮКСАЛИШ АСОСИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш йўналишида олиб борилаётган ишлар доирасида аҳолини қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар рўйбга чиқарилмоқда. Бу орқали оилаларнинг даромадини ошириш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш ҳамда ижтимоий ҳимоя механизmlарини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ушбу масалалар доимий равишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи ҳамда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан таҳлил қилиниб, тегишли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Мазкур ишчи гуруҳ ҳамда кўмита томонидан ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “Камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим муассасаларида ва умумтаълим мактабларида сифатли таълим олишини ташкил этиш ҳамда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Ахборотда келтирилганидек, мамлакатимизда камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим муассасаларида ва умумтаълим мактабларида сифатли таълим олишини ташкил этиш, уларга ҳар томонлама қўмаклашиш борасида тизимли ишлар

кўрилмоқда. Жумладан, камбағал оила фарзандларини мактабгача таълим билан қамраб олинишини янада яхшилаш мақсадида худудий ҳокимликлар билан биргаликда камбағаллик юқори бўлган 1000 та маҳалла рўйхати шакллантирилган. Уларда тадбиркорларни жалб қилган ҳолда нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида 1 187 та оилавий мактабгача таълим ташкилотини тузиш бўйича битимлар имзоланиб, 50 040 та бола ўрни яратилишига эришилган. 50 та туманда “Илк ривожланиш марказлари” ташкил этилиб, уларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган.

2026 — 2028 йилларда эса қолган туман ва шаҳарларда марказлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бугунги кунда “Илк ривожланиш марказлари”да жами 5 366 нафар бола қабул қилинган бўлиб, шундан 1 657 нафари камбағал оилалар фарзанди ҳисобланади.



## ИЗЧИЛ МИНТАҚАВИЙ ДИПЛОМАТИЯ — ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ

Дунё микросида геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар шиддат билан юз бераётган, турли таҳлиқалар кучайиб бораётган даврда ҳар бир давлат барқарор ривожланишини таъминлаш учун ўзига хос йўл излаши табиий. Бу борада мамлакатимизнинг прагматизм, очиклик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик принциплари асосланган ташқи сиёсати эътиборга молик.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсати учун самарали ва фаол кечди. Айниқса, дунёнинг барча давлати, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли муносабат изчил давом эттирилди. Ташқи сиёсий кун тартибидagi барча тенденцияларни моҳирлик билан англаш ва миллий манфаатини ҳисобга олиш асосида, аввало, янги минтақавий дипломатия Ўзбекистоннинг қиёфасига айланди.



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Т. Норбоевнинг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

Парламент, Бош прокуратура, Ички ишлар, агентлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иштирокида ҳудудларда кенг қўламли ўрганишлар ўтказилмоқда.

Ўрганишлар натижалари ҳудудларда, шунингдек, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга соғлиқни сақлаш ҳамда таълим тармоқлари бўйича ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг сайёр йиғилишларида танқидий қуриб чиқилиб, муҳокама қилиниши йўлга қўйилди.

Ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйган қатор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўриш бўйича тақлифлар берилди.

Бугунги кунда парламент ишчи гуруҳлари томонидан жойларда такоррий ўрганишлар амалга оширилмоқда.

Барча ҳудудларда маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда кримноген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича муҳокамалар ўтказилиб, тегишли кўрсатмалар берилмоқда.

Ҳудудларда давлат хизматига қабул қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, бозорлар ва коммунал соҳаларда рақамлаштириш, инсон омиллини камайтириш бўйича янги механизмлар жорий этилмоқда.

Натижада соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, коммунал, кадастр, банк, энергетика соҳаларида юзлаб миллиард сўмлик мақсадсиз харажатларнинг олдини олиш, адолат ва оқилликни таъминлаш борасида кенг қўламли иш олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий

сиёсий иродаси, коррупцияга қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилиши, қолаверса, тизимли назоратнинг йўлга қўйилгани ва жамоатчиликнинг фаол иштироки бундай натижаларга эришишда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Қадрли ватандошлар!**

Шу билан бирга, олдимизда турган вазифалар ҳам етарли. Қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, фуқароларнинг фаол позициясини қўллаб-қувватлаш келгуси даврдаги энг муҳим, устувор йўналишларимиздан ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш — фақат давлат идораларининг иши эмас. Бу — **бугун жамиятнинг**

**юксак масъулияти.** Нега деганда, биз, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда **адолатли ва кучли** жамиятни барпо эта оламиз.

Шу сабабли бу жараёндан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Ушбу фикр, тушунча ҳар бир юрtdошимизнинг қалб амрига айланиши зарур.

Бизнинг бу борадаги саяё-ҳаракатларимизга куч берувчи энг асосий омил — халқнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши. Халқ бор экан ислохотлар изчил давом этади. Адолат бор экан — тараққиёт барқарор бўлади.

**Бизнинг кучимиз — бирдамликда, ҳақиқатда ва масъулиятда.** Ана шу йўлдан оғишмай борсак, албатта, коррупцияни енгамиз.



Президентимизнинг "Ёшларни хорижий тилларга ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ўқув марказлари, маҳаллий хунарманд ва репетиторлар билан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида 910 та ижара шартномаси имзоланган. Мазкур ўқув марказларига хорижий тилларни ўқитиш мақсадида 23 476 нафар ўқувчилар жалб қилинган бўлиб, уларнинг 3 762 нафарини камбағал оилаларнинг фарзандлари ташкил этади.

Муҳокама давомида депутатлар соҳада эришилаётган ютуқларни эътироф қилиб, айрим ҳудудларда мактабгача таълимга қамров даражаси пастлиги, имтиёзлар ҳақида ота-оналарнинг хабардорлиги етарли эмаслиги, чекка ҳудудларда қўшимча таълим хизматлари ва тўғрақ-

лар имконияти чекланганини танқид остига олди.

Шу билан бирга, халқ вакиллари томонидан кам таъминланган ўқувчиларни аниқлаш ва манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, "мактаб — оила — маҳалла" ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда ажратилмаётган маблағлар самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Йиғилишда вазирлик ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

болажонларга чексиз қувонч улашмоқда

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудига совғалар қаровни етиб бораётир. Тошкент, Бухоро, Сурхондарё, Наманган ва бошқа қўллаб-қувватлаш ҳам ана шундай қувончли манзиллар сафаридан жой олди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Миразиз Мирсултоновнинг маълум қилишича, мазкур эзгу ташаббус навқирон авлодга бўлган эътибор ва раҳм-ўрқанинг яна бир ёрқин намунасидир. Янги йил арафасида улашмиш Президент совғалари болажонлар қалбига қувонч, ишонч ва илиқ хотиралар уйғотди.

«Халқ сўзи».

## Фикр

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва ўзаро манфаатларга асосланган ташқи сиёсати изчил равишда амалга

оширилаётганини яна бир бор намойён этди. Дунёдаги энг ривожланган ва таъсири давлатлардан бири — Америка Қўшма Штатлари билан олий даражадаги доимий мулоқотлар йўлга қўйилгани мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва ишончли ҳамкор сифатидаги ўрни мустақамланаётганидан далолат беради.

## Тадбир ШҲТ вакиллари — Сенатда



24 декабрь куни Олий Мажлис Сенатида "Очиқ эшиклар кунини" тадбири ўтказилди.

конунчилик жараёнидаги ўрни, шунингдек, парламент назорати ва дипломатия ҳақида батафсил маълумот берилди. Жумладан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнида кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламентининг фаолияти, унинг асосий йўналишлари, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар ҳамда амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Яқунда иштирокчилар Сенат қўмиталарининг фаолияти ва парламентнинг иш жараёни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

«Халқ сўзи».

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

Президентлар ўртасидаги мазкур суҳбат нафақат протокол даражасидаги кўришлар, балки аниқ амалий масалалар — стратегик шерикликни чуқурлаштириш, йирик инвестиция лойиҳалари, иқтисодий ҳамкорлик ва минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама билан бой бўлди. Бу эса Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари янги сифат босқичига кўтарилганини кўрсатади.

Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалга оширган ташрифлари ҳамда АҚШ Президенти Дональд Трамп билан телефон орқали мулоқотлари мамлакатимиз дипломатияси ва иқтисодийёти учун катта аҳамият касб этди.

Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессияси доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трамп ўртасида учрашу бўлиб ўтган, унда ҳам икки давлат ўртасидаги кенгайтирилган стратегик шерикликни мустақамлаш, шунингдек, минтақавий ва глобал кун тартибидagi долзарб масалалар муҳокама қилинган эди.

Айниқса, фуқаро авиацияси, энергетика, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари каби соҳаларда ўнлаб миллиард долларлик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани мамлакатимиз иқтисодийётини модернизация қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистон Президенти Америка Қўшма Штатларига ташриф буюриб, Вашингтонда АҚШ Президенти Дональд Трамп билан мулоқот қилди. Шунингдек, у "С5+1" формати доирасида Марказий Осиё давлатлари етакчилари иштирокидаги саммитда фаол иштирок этди. Мазкур саммитда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш бўйича кўп

муҳим ҳамкорлик механизмлари муҳокама қилинди ва келишувлар илгари сурилди.

Кўни кеча икки давлат раҳбарлари ўртасида телефон орқали ўтказилган мулоқотда эса Америка томони келишувлар доирасидаги лойиҳаларнинг ҳар бир босқичини самарали амалга ошириш учун зарур кўмак кўрсатишга тайёрилиги билдирилди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, бу ютуқларнинг замирида Президентимизнинг ташқи сиёсатдаги оқилона, узокки кўзлаган ва миллий манфаатларга таянмаган саяё-ҳаракатлари мўжассам. Умуман, давлатимиз раҳбарининг юксак лидерлик маҳорати, халқаро вазиятни теуран ағлаши ва конструктив мулоқот олиб бориш қобилияти Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида дунёга танитмоқда.

Дилбар СУВОНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

## Сенаторлар — ҳудудларда ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамжўев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ижро ҳолатини ўрганди.

Мазкур жараёнда ҳудудда инвестиция ва грантлар асосида амалга оширилаётган, экспорт ва туризмни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётган лойиҳаларнинг бажариллиги таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги

йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикасининг жадал ривожлантиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ерга 2025 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида

3,1 млрд. АҚШ доллари миқдоридида инвестиция жалб этиш ҳамда 120 тадан ортиқ янги корхоналарни ишга тушириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ишчи гуруҳ Хўжайли, Кегейли, Нукус, Қораўзақ ва Кўнғирот туманларида хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. Хусусан, уларни ўз вақтида ишга тушириш, янги корхоналар ташкил этиш, қўшилган қиймат занжирини кенгайтириш ҳамда маҳсулот-

ларни экспортга чиқаришга кўмаклашиш масалаларига ургу берилди.

Шунингдек, АҚШ, БАА, Жанубий Корея, Россия, Саудия Арабистони, Туркия, ва Хитой инвестициялари иштирокидаги лойиҳаларни жадаллаштириш, экспорт ҳажмини ошириш, ҳудуд иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда жойларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ташвишга солаётган муаммолари масалаларини ҳал этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

## ҲАМ РАҒБАТ, ҲАМ ИМКОНИЯТ

Сўнгги йилларда юртимизда инсон ҳуқуқларини, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, инклюзив ривожланишни кенгайтириш ҳамда таълим олишда тенг имкониятларни яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқий биллиларини ошириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Беллашув

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, 24 декабрь куни Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Олий Мажлис Сенати ҳамда Қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунининг, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 77 йиллиги муносабати билан таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган болалар ўртасида "Ҳуқуқ билимдонини" Омбудсман викторинасининг финал босқичи ўтказилди.

Тадбирда Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев инклюзив таълимни ривожлантириш, ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Иштирокчиларга билим олиш йўлида қатъият, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш ва келгусидаги ҳаёт фаолиятида юксак натижаларга эришиш йўлида зафарлар ёр бўлишини тилади.

Таъкидланганидек, мазкур викторина иштироки билан унун маънавий рағбат бўлиб, уларнинг ҳуқуқ соҳасидаги билимларини мустақамлаш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ҳамда ўзига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Тадбир доирасида "Ҳуқуқ билимдонини" викторинаси финал босқичи гоилиблари ва совринли ўрин соҳибларини тақдирлаш маросими ўтказилиб, иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

«Халқ сўзи».

## ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан "Мамлакатимизда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар" юзасидан эшитув ўтказилди.

Мамлакатимизда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини кучайтириш ҳамда хусусий сектор ролини кенгайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар бозор механизмларини янада ривожлантириш, рақобат муҳитини кучайтириш ва инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ, 2030 йилгача нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш ва давлат иштирокидаги корхоналарни 6 бараварга қисқартириш, давлат иштирокидаги йирик корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш, улар таркибидagi рақобат муҳити шакланган соҳалардаги корхоналар сонини камайтириш ҳамда хусусийлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш бўйича тегишли вазифалар белгилаб берилган.

Шу йилнинг ўтган даврида 6 442 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини аукцион савдоларига чиқарилиб, тегишли тартибда сотилган. Бундан ташқари, 1 714 гектар хизмат кўрсатиш соҳасидаги ер участкаларини аукцион савдоларига чиқарилган.

Йиғилишда давлат активларини оммавий савдога чиқариш, хусусий секторга топшириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар тақдим этишдаги масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, сотиб-чиқарилаётган давлат активларига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат механизмларини янада такомиллаштириш лозимлиги, айрим ҳолларда инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этилмайётгани айтилди.

Ахборотда таъкидланишича, Президентимизнинг 2023 йил 24 мартдаги ва 2024 йил 19 апрелдаги тегишли қарорлари ҳамда жорий йил 21 апрелдаги фармонига асосан 2 731 та давлат активлари оммавий савдоларга чиқарилган ва тегишли тартибда сотиш ишлари амалга оширилган.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг хусусийлаштиришдаги иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш жараёнининг янада шаффофлигини таъминлаш бўйича бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Яқунда муҳокамадаги масала юзасидан зарур вазифалар белгилаб олинди, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## Жорий йилда тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 134 трлн. сўмни ташкил этди.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 18 — 20 декабрь кунлари Японияга амалга оширган расмий ташрифи мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Япония Императори, парламент раҳбарияти, етакчи компаниялар ва молиявий институтлар менежерлари, Бош вазир билан

Акс садо

## ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАБУСЛАР

стратегик шерикликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратади

Ташриф давомида эришилган келишувлар, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва учрашувларда қатнашган Япониянинг нуфузли компаниялари таркиби икки томонлама муносабатлар мисли кўрилмаган даражада юқори эканлини яққол намойиш этди. Япония мамлакатимизга стратегик шерик сифатида қараётганидан далолат беради.



Маълумки, Япония узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг технологик ва инвестициявий лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб келган.

Бирок аввалги даврларда ҳамкорлик, асосан, грантлар ва пудрат ишлари билан чекланиб келган эди.

Сўнги йилларда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини янгилаш, бизнесга иқтисодий ислохотларнинг муҳим негизи сифатида қарашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар, очик ва прагматик ташқи сиёсат юқоридagi вазиятни тубдан ўзгартирди.

Бу борада 2019 йил декабрь ойидаги мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифи алоҳида аҳамият касб этди, икки томонлама шерикликка кучли туртки берди. Натижада бугунги кунга келиб ҳамкорлик барча йўналишларда барқарор ўсиб бормоқда. Сўнги саккиз йил ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошди, Ўзбекистонда фаолият юритаётган япон компаниялари сони 110 тадан ошди, ўн баробар кўпайди.

Кўшма лойиҳалар портфели 20 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил этмоқда. Жумладан, Япония Халқаро ҳамкорлик банки билан лойиҳалар ҳажми 5 млрд. доллардан, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги билан лойиҳалар ҳажми эса 8 млрд. доллардан ошди.

Япония билан ҳамкорлик энергетика, соғлиқни сақлаш,

учрашувлар ўтказди. Шунингдек, Президентимиз “Марказий Осиё + Япония” форматидаги илк саммитда иштирок этди.

Икки давлат раҳбарлари томонидан Келгуси авлодлар учун кенгайтирилган стратегик шериклик тўғрисидаги кўшма баёнот имзоланди. Мазкур ҳужжат ўзбек — япон алоқаларининг қўламини тубдан кенгайтириб, икки давлат муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқмоқда.

сида Япония депутатлари юртида демократик ислохотлар тизими равишида амалга оширилаётгани, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан кучайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилаётгани, таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳаларда кенг қамровли ижобий ўзгаришлар ўз амалий ифодасини топаётганини эътироф этди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси ва Япониянинг Вакиллар палатаси депутатлари томонидан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Бош вазир Санаэ Такаичи билан музокараларда давлатимиз раҳбари ҳамкорликнинг асосий йўналишларини кайд этди. Улар қаторида “яшиш” энергетика ва саноатда углерод чиқаришни камайтириш, ахборот технологиялари, ўта муҳим минераллар, машинасозлик соҳасидаги алоқалар, соғлиқни сақлаш ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш каби йўналишлар бор.

Шунингдек, 12 млрд. доллардан ортиқ лойиҳаларни илгари суришга мўлжалланган кўшма инвестиция платформасини яратиш таклифи етилди. Ушбу платформа лойиҳалар устидан мониторингнинг глобал миқёсда рақобатбардор қилди. Автомобилсозлик, электроника, робототехника ва юқори аниқликдаги машинасозлик соҳаларидаги ютуқлар Япония иқтисодий моделининг кейинги иқтисодий моделининг асосий зонани ташкил этиш режалари айтиб ўтилди. Бу саноат кооперацияси соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг нобҳ ва комплекс шакли ҳисобланади.

Ташлим соҳасидаги келишувлар доирасида, жумладан, Тошкент шаҳрида япон ташлим стандартлари жорий этилаётган биринчи Ўзбекистон — Япония университетини очиб назарда тутилмоқда.

Президентимизнинг Япония етакчи компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан учрашуви алоҳида эъти-

борга лойиқ. Ушбу учрашув мамлакат иқтисодий ҳаётида катта таъсир кўрсатадиган энг нуфузли компаниялар ва молиявий институтларнинг раҳбарларини бир жойга жамлади. Унда япон томонига Ўзбекистон учун муҳим бўлган ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўйича батафсил маълумот етказилди.

Мазкур йўналишлар, албатта, Япониянинг барқарор ривожланишини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, энг илгор ускуналардан, жумладан, машинасозлик ва тиббиёт соҳаларида фойдаланиш, шунингдек, нобҳ инфратузилмавий ечимларни ишлаб чиқиш борасидаги улкан тажрибасини инобатга олади.

Бу беҳиз эмас. Япония иқтисодий тараққиёти технология билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, мамлакатнинг асосий харақатлантирувчи кучи бўлиб келмоқда. Давлат ва саноат ўртасидаги яқин ҳамкорлик, ишлаб чиқаришда инновацион ёндашувлар ва илгор технологик ривожланиш сиёсати Япония компанияларини глобал миқёсда рақобатбардор қилди. Автомобилсозлик, электроника, робототехника ва юқори аниқликдаги машинасозлик соҳаларидаги ютуқлар Япония иқтисодий моделининг кейинги иқтисодий моделининг асосий зонани ташкил этиш режалари айтиб ўтилди. Бу саноат кооперацияси соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг нобҳ ва комплекс шакли ҳисобланади.

Ташлим соҳасидаги келишувлар доирасида, жумладан, Тошкент шаҳрида япон ташлим стандартлари жорий этилаётган биринчи Ўзбекистон — Япония университетини очиб назарда тутилмоқда.

Президентимизнинг Япония етакчи компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан учрашуви алоҳида эъти-

илгари сурилган ташаббуслар ва иқтисодий соҳада эришилган келишувлар мамлакатимизда илгор технологияларни жорий қилиш, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш, унинг саноатлаштирилишини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шубҳасиз, муҳим халқаро воқеа сифатида “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг илк саммити алоҳида эътибор марказида бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти минтақа учун ниҳоятда муҳим бўлган Япония билан ҳамкорликка доир таклифларни илгари сурди.

Улар орасида ҳам институционал асосни мустаҳкамлаш — давлат раҳбарлари даражасида саммитларни ҳар икки йилда бир марта ба ўтказиш, “Марказий Осиё — Япония 2040” ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш, ҳам соҳавий йўналишдаги таклифлар — “Сифатли инфратузилма” дастурини ишга туширган ҳолда Марказий Осиё инфратузилма ва саноатини ривожлантириш инвестиция фондини таъсис этиш, “Марказий Осиё — Япония” рақамли хабини яратиш, минтақада транзит ва логистика тармоғини ривожлантириш, “яшил” энергетикани тараққий топтириш, сейсмик хавфсизлик ва таълим соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган таклифлар ушбу мулоқотнинг самарадорлигига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, япон оммавий ахборот воситаларида ушбу тadbир фаол ёритилиб, унинг алоҳида истиқболли аҳамияти кайд этилди. Япония Бош вазирини ўз интервьесида Марказий Осиё мамлакатлари география жойлашуви, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик имкониятлари нуқтаи назаридан Кунчиқар мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, катта салоҳиятга эга эканлини алоҳида таъкидлади.

Япония раҳбариятининг бундай позицияси минтақамизда яқин қўшничилик, ишонч ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш борасида Президентимиз доимий эътибор қаратиб келган улкан ишларнинг эътирофи деб баҳолашимиз керак.

Улугбек ШЕРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, муҳофа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон ҳуқуқ тизими яқин тарихида (2023 йилда ўтказилган) улкан воқелик сифатида муҳрланган конституциявий ислохотлар жараёнида ҳам Конституциявий суд ўзининг энг муҳим вазифа ва ваколатлари доирасида ўта муҳим масалаларни ҳал қилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича “Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарорининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияга мувофиқлигини ўзини тегшли қарори билан тасдиқлаб берди.



Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эса Конституциявий суд ҳамда конституциявий назорат институти ривожлантиришининг янги истиқболларини белгилаб берди. Ҳужжатда назарда тутилган энг муҳим вазифалардан бири — бу конституциявий суд ишларини юритиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали Конституциявий суд фаолиятида шаффофликни ошириш.

Бугунги кундаги давлат органларининг фаолиятини рақамлаштириш тасаввур этиб бўлмайди. Гап шундаки, тизимни рақамлаштириш орқали, биринчидан, жиҳмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари (шикоятлар)ни ўз вақтида, қонуний кўриб чиқиш имконияти кенгайди. Иккинчидан, фуқаролар ҳамда тadbиркорлик субъектлари билан ишлаш, мулоқот ўрнатиш жараёнида тартиб-таомиллар соддалаштирилиб, бу борадаги ортика бюрократик тўсиқлар ва муножаатчиларнинг сарсонгарчилиги ёки оворагарчиликлариди олди олинишига эришилди.

Бундан ташқари, Конституциявий суд тизими фаолиятида очкиклик, ошқоралик, шаффофлик тўла таъминланишига олиб келади.

Мазкур фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати, мамлакатимизда конституциявий назорат институти янада ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифаларнинг қўйилганлигида намойиш бўлади. Ҳуқуқ назариясида шундай бир ўзгармас қоида белгиланганки, Асосий қомус ва Бош қонун — ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий рамзи, ўзига хос тизимли сифатида эътироф этилаётган Конституция қабул қилинадиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос бўлиши керак.

Конституциявий назорат институтининг моҳиятини ҳам айнан мана шу, яъни қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари Конституцияда белгиланган меъёрларга зид эмаслигини қатъий назорат қилиб бориш вазифаси ташкил этади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан чиқарилаётган ёки қабул қилинаётган барча ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Суд тизимида узоқ йиллар мобайнида ишлаб келаётган фахрий судья сифатида қонун ишонч билан айтишнинг мумкинлиги, Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда унга энг замонавий рақамли технологияларни жорий этишга қаратилган ҳужжат юртимизда конституциявий одил судловга эришиш кафолатларини мустаҳкамлашга ҳуқуқий асос бўлади.

Убайдулла МИНГБОВ, Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

## ИЗЧИЛ МИНТАҚАВИЙ ДИПЛОМАТИЯ — ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ

Мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан муносабатлари юртимиз ташқи сиёсати ва иқтисодий стратегиясида алоҳида ўрин тутди. Унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун минтақавий интеграцияни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу, асосан, савдо, инвестициялар, транспорт ҳамда логистика соҳаларида фаоллашмоқда. Мақсад — ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиб, экспорт салоҳиятини ошириш.



ЕОИИ ташкил этилганидан буён ўн йил ичида мустаҳкамланди, аъзо ва узатувчи давлатларнинг иқтисодий салоҳияти кучайди. Евроосиё иқтисодий иттифоқи муваффақиятли интеграцион бирлашма сифатида шаклланди. ЕОИИда иссиқлик даражаси ҳозирда 2,8 фоизни ташкил этади, бу дунёдаги энг яқин кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Иттифоқ ҳар доим барча қизиққан ҳорижий ҳамкорлар билан шерикликка очик бўлиб, Евроосиё, Африка, Лотин Америка давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар фаол ривожланмоқда.

Мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан муносабатлари юртимиз ташқи сиёсати ва иқтисодий стратегиясида алоҳида ўрин тутди. Унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун минтақавий интеграцияни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу, асосан, савдо, инвестициялар, транспорт ҳамда логистика соҳаларида фаоллашмоқда. Мақсад — ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиб, экспорт салоҳиятини ошириш.

ЕОИИ ташкил этилганидан буён ўн йил ичида мустаҳкамланди, аъзо ва узатувчи давлатларнинг иқтисодий салоҳияти кучайди. Евроосиё иқтисодий иттифоқи муваффақиятли интеграцион бирлашма сифатида шаклланди. ЕОИИда иссиқлик даражаси ҳозирда 2,8 фоизни ташкил этади, бу дунёдаги энг яқин кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Иттифоқ ҳар доим барча қизиққан ҳорижий ҳамкорлар билан шерикликка очик бўлиб, Евроосиё, Африка, Лотин Америка давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар фаол ривожланмоқда.

Транзит йўллари учун катта салоҳият

Аввало, айтиш жоизки, ЕОИИ худудининг стратегик юқолашуви транзит

йўллари учун катта салоҳиятга эга. Транспорт-логистика тармоғини ривожлантириш орқали иттифоқ давлатлари ўзини дунёдаги муҳим транзит хаблиридан бири сифатида эълон қилиши мумкин. Бу эса кўшимча даромадлар ва инвестицияларни жалб этишга ёрдам беради.

Ушбу йўналишда Ўзбекистон Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон, Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон транспорт йўлақларини, Россия “Шимол — Жануб” ташаббусларини илгари сураётди. Янгиланган транспорт инфратузилмаси қурилиши ва ундан фойдаланиш эса янги иш ўринларининг яратилишига сабаб бўлади. Шу тариқа, аҳоли даромадлари ошади ва минтақавий иқтисодий фаоллик кучаяди.

Транспорт-логистика тармоғи ривож тури мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини ўзаро тўлдиршига ҳам хизмат қилади. Бу маҳсулотлар сифатини

ошириш имконини беради. Транспорт ва логистика инфратузилмасининг яқинлашгани мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кучайтиради. Бу, ўз навбатида, товарлар, капитал ҳамда меҳнат ресурсларининг эркин харақатини рағбатлантириб, бирлашманинг умумий иқтисодий салоҳиятини оширади. Шунингдек, бу тadbирлар ЕОИИни дунёдаги глобал иқтисодий жараёнларда янада таъсирли ҳамда рақобатбардор иттифоққа айлантиришга ҳисса қўшади.

ЕОИИ ўн йил аввал ташкил этилган бўлиб, унга Россия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон ва Арманистон қиради. Ўзбекистон ҳамда Куба узатувчи давлат мақомида. Мақсад — бирлашма худудида товарлар, капитал ва меҳнат ресурсларининг эркин харақатланишига йўл очиб.

Икки томонлама ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ҳамда иттифоқ давлатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз маҳсулотларининг ЕОИИ бозорларидаги рақобатдошлигини, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик эса минтақавий транзит салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

Узатувчи давлат мақомидаги тўрт йиллик ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатларини билан ташқи савдо айланмаси 80 фоизга ўсди ва ўтган йил якуни бўйича 18 млрд. дол-

ларни ташкил этди. Савдо операциялари номенклатураси, авваломбор, саноат маҳсулотларини етказиб бериш ҳисобидан кенгаймоқда. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони уч баробар ўсди.

Жорий йилнинг март ойида Қўшма ишчи гуруҳининг тўртинчи мажлиси муваффақиятли ўтказилиб, унинг якунида техник тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ҳамда ишбилармонлик ташаббусларини рағбатлантириш бўйича чора-тadbирлар режаси ишлаб чиқилди.

Эътиборлиси шундаки, мамлакатимиз кузатувчи давлат мақомида бўлсада, 40 та аниқ чора-тadbирни қамраб олган, уч йилга мўлжалланган янги режа амалга оширишга киришди. Ўзбекистон, шунингдек, ЕОИИнинг муҳим ташаббусларида, жумладан, “Евроосиё агро экспресс”, электрон савдонини ривожлантириш, юқарини ташиниш рақамлаштириш ва иқлим масалалари каби лойиҳа-дастурларда фаол иштирок этапти. Шунингдек, электрон савдонини ривожлантириш, юқ тармоқ рақамлаштириш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича тармоқ дастурларида ҳам қатнашмоқда.

Шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Давлатимиз раҳбари Олий даражадаги Евроосиё иқтисодий кенгашининг

йўналишдаги нутқида ЕОИИ билан шерикликни янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди. Ушбу таклифлар стратегик аҳамиятга эга бўлиб, бир қатор асосий мақсадларга эришишга қаратилган.

Биринчидан, савдо ва иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш таъминоти берилдики, бу савдо тўсиқларини бартараф этишни, техник меъёрларни яқинлаштириш ҳамда боғжона тартиб-таомилларини соддалаштиришни, Ўзбекистон маҳсулотларининг ЕОИИ бозорига киришини оsonлаштириш. Ўзаро савдо ҳажми ошаверса, табиийки, иқтисодий ўсиш ҳам, экспорт салоҳият ҳам юқорилайди.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш кооперациясини ҳамда инвестицияларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу қўшма саноат лойиҳаларини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификациялаш, иш ўринларини яратиш ва технологиялар алмашишнинг таъминлайди. ЕТБнинг жалб этилиши молиялаштириш имкониятларини кенгайтириб, инфратузилмавий, яшил ва тақлик бизнес лойиҳалари учун инвестицияларни жалб этишга хизмат қилади.

Учинчидан, рақамли трансформация ва инновацияларни тезлаштириш борасидаги таклиф билдирилди. Рақамли платформаларни интеграция қилиш, электрон тижорат ҳамда боғжона маъ-

муриятчилигини рақамлаштириш савдо операцияларини самарадорлигини оширади. Бюрократияни камайтириб, шаффофликни таъминлайди.

Технологик платформаларга қўшилишнинг самаралари ҳақида ҳам кўп мисоллар келтириш мумкин.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг ЕОИИ биотибиёт, янги материаллар, агро-технологиялар, энергетика ва робототехника каби йўналишларни қамраб олувчи технология платформаларига қўшилишдан манфаатдорлиги таъкидланди.

Бешинчидан, туризм салоҳиятини ошириш зарурлиги қайд этилди. Интеграциялашган ахборот ресурсларини шакллантириш минтақавий туризм маҳсулотларини ўзаро боғлаш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ҳамда бу соҳада қўшимча даромадлар олишга ёрдам беради. Бу эса иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиради.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ҳаётий таклифлар Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва минтақавий интеграция жараёнида фаол иштирок этишга интилишини кўрсатади.

Машъал САИДОВ, Шаҳрисабз давлат педагогика институти ректори, иқтисодий фанлари доктори.

# АДАБИЙ ДЎСТЛИК — МАЪНАВИЙ КЎПРИК

Хар бир миллатнинг маънавий камолоти, аввало, унинг миллий адабиёти билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, жаҳон адабиёти дурдоналари, уларда илгари сурилган гуманистик ғоялар ҳам халқ руҳиятини бойлигида беқиёс аҳамиятга эга. Зеро, дунёда ҳеч бир адабиёт фақат ўз миллий доирасида ривожланмайди. Асрлар давомида адабиётлар ўзаро таъсир ва мулоқотда бўлиб, бир-бирини бойитиб келмоқда.

## Танлов

Бугун Ўзбекистондаги янгилашлар руҳи, давлатимиз раҳбарининг адабиёт ва маданиятга, хусусан, адабий алоқалар ривожига қаратган доимий эътибори маънавий ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Айни пайтда миллий адабиётни жаҳонга кенг тарғиб этиш, чет эл адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш, ёш авлодга миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда китобхонлик маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эътибор адабиёт орқали халқлар ўртасида маънавий кўприклар қуришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 4 июндаги қарорига мувофиқ соҳада Муҳаммад Ризо Оғахий номидagi халқаро мукофотнинг таъсис этилиши айни йўналишдаги ишларни янги bosқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди.

Пойтахтимизда ўтказилган ушбу мукофотнинг илк совриндорларини тақдирлаш маросими том маънода адабиёт ва санъат байрамига айланди.

Мазкур мукофот миллий адабиётимизни дунёга, жаҳон адабиётини эса ўзбек китоб-

хонига яқинлаштираётган фидойи таржимонлар меҳнатига муносиб рағбатдир. Танловга жами 60 нафар таржимоннинг ижодий ишлари қабул қилиниб, улар хорижий тил мутахассислари, таржиманшуослар ва адабиётшунослардан иборат экспертлар томонидан чуқур таҳлил қилинди.

Тадбирда ҳақамлар ҳайъати хулосасига кўра голиб топилган ижодкорлар тантанали тақдирланди. Жумладан, “Ўзбек адабиётининг насрий асарларидан хорижий тилларга таржима” йўналишида Саудия Арабистонидан Саид Махмуд Саид Мубашир, “Ўзбек адабиётининг шеърый асарларидан хорижий тилларга таржима” йўналишида россиялик ижодкор Михаил Синельников мукофотга лойиқ кўрилди. “Ўзбек болалар адабиёти намуналаридан хорижий тилларга таржима” йўналишида эса ҳиндистонлик адиба Шаменаз Бано халқаро мукофот соҳиби бўлди.

Шунингдек, “Хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига таржима” йўналишида Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Гафуров, “Хорижий тилларда яратилган шеърый асарлардан ўзбек тилига таржима” йўналишида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер ва Тоҳир Каҳҳор, “Хорижий тилларда яратилган болалар адабиёти намуналаридан



Ўзбек тилига таржима” йўналишида эса Нодирбеғим Иброҳимова нуфузли мукофот билан тақдирланди.

Қўшимча рағбатлантирувчи номинацияларда эса Вафо Файзуллох, туркиялик Вали Саваш Елок ҳамда ёш ижодкор Саиджалол Саидмуродов муносиб эътироф этилди. Айниқса, ёш таржимон Саиджалол Саидмуродовнинг тақдирланиши ёш ижодкорларга юксак ишонч ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Унинг сўзларига кўра, бундай нуфузли мукофот ёшларни бадиий таржима соҳасида янада жиддий изланишга, тил ва адабиётни чуқур ўрганишга руҳлантиради.

Ҳиндистонлик Шаменаз Бано эса ушбу мукофот ҳақида ўз фикрларини шундай баён этди:

— Мукофот соҳиблари қаторида эътироф этилганимдан бахтиёрман. Ўзбек адабиётининг таниқли вақиллари асарларини кизиқиб мутолаа қиламан. Улар чуқур маъно, юксак

инсонпарварлик ва миллий руҳ билан суғорилган. Айниқса, болалар адабиётидаги самимийлик ва ҳаётийлик менда катта таассурот қолдиради. Шу муҳаббат ва кизиқиб таъсирида Анвар Обиджоннинг “Мешполвон” қиссасини ҳинд тилига таржима қилдим. Мазкур асар шу йили Ҳиндистондаги “Креатив принт медиа” нашриёти томонидан чоп этилди. Ишончманки, бу асар кўп сонли ҳинд китобхонларига манзур бўлади, улар томонидан катта қизиқиш билан ўқилади. Бу эса халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинликни янада мустаҳкамлайди.

Муҳаммад Ризо Оғахий номидagi халқаро мукофот нафақат алоҳида таржимонларни рағбатлантиради, балки бадиий таржима соҳасининг умумий ривожига ҳам хизмат қилади. Бу мукофот орқали таржиманшунослик учун тақдирот объектлари яратилади, ўзбек адабиёти тарғиботи учун уфқлар кенгайди, ёш таржимонларни тарбиялаш ишлари янги bosқичга кўтарилди. Энг муҳими, адабиёт орқали халқлар ўртасидаги маънавий мулоқот янада мустаҳкамланиб, адабий дўстлик абадий дўстликка айланади.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ («Халқ сўзи»).

## ТРАНСПОРТ

### ЯНГИЛИКЛАРИ

## ТОШКЕНТДАН ҚОЗОНГА ПОЕЗД ҚАТНАЙДИ

Йўловчилар учун яна бир қулайлик: Тошкент — Қозон — Тошкент халқаро темир йўли йўналиши бўйича қатновлар қайта очилди.



Таъқидлаш жоизки, бу Ўзбекистон — Россия ўртасидаги транспорт алоқаларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, йўловчиларга хавфсиз ва қулай саёҳат имкониятини тақдим этишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Транспорт вазирлиги хабарига кўра, яқшанба куни Тошкент Марказий вокзалдан жўнаб кетган дастлабки 315-сонли поезд кеча Қозон вокзалига етиб борган бўлса, 316-сонли поезд эса бугун соат 10:33 да Қозон вокзалидан жўнаб, яқшанба куни соат 04:32 да Тошкент Марказий вокзалига етиб келиши кутилмоқда.

Маълумот учун, ушбу йўналишда ҳафтасига бир марта ҳаракатланган поезд таркиби жами еттита вагондан иборат бўлиб, 342 нафар йўловчини ташиш имкониятига эга.

## «UZBEKISTAN AIRPORTS» КОМПАНИЯСИ ESG РЕЙТИНГИНИ ОЛДИ

“Sustainable Fitch” халқаро рейтинг агентлиги “Uzbekistan Airports”га 48 балл билан 3-даражали ESG рейтингини берди. Бу компаниянинг кучли экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув йўналишидаги барқарор профилни тасдиқлайди.



Ҳисоботнинг экологик бўлимида агентлик “Uzbekistan Airports”нинг 2050 йилга келиб 1 ва 2-даражали газ чиқиндиларини чиқариш бўйича “Net Zero”га эришиш стратегиясини юқори баҳолади. Углерод зичлигини камайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш чоралари ҳам қайд этилди. Ижтимоий соҳада компаниянинг меҳнат хавфсизлиги тизими, ишчи кучи барқарорлиги ва манфаатдор томонлар билан алоқалар ижобий баҳоланди.

Ушбу рейтинг компаниянинг инвестициявий жозибadorлигини янада ошириш имконини беради.

## КОНТЕЙНЕР ТАШУВЛАРИ — ЕВРОПАГА



Мамлакатимиздан Туркманбоши портларига режа-график асосида блок поездлар қатнови йўлга қўйиш бўйича муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон контейнер” АЖ томонидан Туркманбоши порти орқали Европа давлатларига йўналтирилган контейнер ташувлари йўлга қўйилди.

Хусусан, минерал ўғитлар, калий, карбамид, алюминий ва мис каби юклар ортилган жами 18 та блок поездди муваффақиятли жўнатилди. Жумладан, жорий йил давомида Сергели станциясидан 380 та контейнер, Назарбек станциясидан 228 та ҳамда Асака станциясидан 25 та контейнер Италия, Греция, Туркия, Болгария, Швеция, Озарбайжон ва бошқа хориж мамлакатларига етказиб берилди.

Мазкур йўналишда блок поездлар қатновининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт-логистика тизимини диверсификациялаш, халқаро транспорт коридорларидаги рақобатдошликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## ЖАВОҲИРГА ҲАВАСМАНД ҚИШЛОҚ

Боёвот туманидаги Тинчлик маҳалласи “шахматчилар қишлоғи” саналади. Негаки, бу қишлоқда шу спорт турига қизиқувчилар кўп. Зеро, шахмат оз эмас, 20 га яқин оила аъзоларининг доимий машғулотига айланган. Эътиборлиси, маҳалланинг шахмат бўйича ўз чемпионати ҳам бор. Ушбу мусобақа йилда бир эмас, ҳар ҳафтанинг шанба ёки яқшанба кунлари ташкил этилади. Фолибларга бериладиган соврини йўқ ушбу баҳсда совға эмас, ўзаро тажриба алмашиш, маҳоратни ошириш энг катта натижа ҳисобланади. Бу мусобақалар ўзига хос шахмат дарси ҳамдир.

### Ибрат

Мазкур маҳаллада шахматнинг кенг қўламад ривож топишида устоз мураббий, FIDE устаси, “Шуҳрат” медали соҳиби, марҳум Маматқул Хайлаевнинг ўрни беқиёс. У Тошкентда, институтда ўқиган 90-йилларда шахмат китоблари ва журналларини ўқиш баробарида бевосита шахмат ўйнаш билан шуғулланди. Уша вақтларда мазкур спорт турига оид журналлар ва китоблар, асосан, рус тилида эди. Бу эса Маматқул Хайлаевнинг келгусида ўзбек тилидаги “Шахмат сабоқлари”, “Шахмат”, “Шахмат. FIDE қоидалари”, “Шахмат арифметикаси” каби қўламанамалари, китобларини яратишига туртки бўлди.

Маматқул Хайлаев шахмат бўйича таниқли ва билимдон спорт журналисти ҳам эди. Яъни у “Спорт” телеканалининг “Шахмат сабоқлари” ва “Шахмат дурдоналари” кўрсатувларининг аjoyиб бошлов-

чиси сифатида эл эътиборини қозонганди.

Шахмат билимдони Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мураббийи ҳам бўлган. У бошчилик қилган ўсмирлар ва қизлар терма жамоаси 2008 йил Франциянинг Париж шаҳрида, 2012 йил Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатларида, 2014 йил Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўтган ўсмирлар ўртасидаги бутунжаҳон шахмат олимпиадасида голиб ва совриндорлар қаторидан жой олган. Қисқа умри давомида мамлакатимизда шахматнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган Маматқул Хайлаевнинг туғилиб ўсган қишлоғида яратган шахмат бўйича маҳорат мактаби бугунги кунда ҳам эл-юрт эътиборида.

Бинобарин, Тинчлик маҳалласидан кўлаб иқтидорли шахматчилар етишиб чиқмоқда. Хусусан, Анвар Хайлаев, Жамшид Шодидуллов катталар биринчи лигаси мусобақаларида спорт усталигига номзод, Элбек Жуманов эса FIDE спорт ус-



таси ҳисобланади. Миржалол Қосимов, Отабек Хайлаев, Абдугўни Очиллов эса республика ва халқаро миқёсдаги кўлаб турнирларда совриндор бўлиб келмоқда. Албатта, бу борода Зулфия номидagi Давлат мукофоти соҳибаси, таниқли шахматчи Сарвиноз Қурбонбоева эришган ютуқларни алоҳида эътибор эйтиш ўрнили. Зеро, 21 карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори, халқаро аёллар гроссмейтери Сарвиноз Қурбонбоева ҳам Тинчлик маҳалласида туғилиб ўсган. Шу

манзилда шахмат бўйича маҳоратини оширган спортчилдир.

Бугунги кунда маҳалланинг Малика Жумаева, Лазизбек Шавкатов, Ҳожмақбар Алижонов, Ирода Жумаева, Зафар Отабеков, Хумоюн Сапаров каби ёш шахматчилари борки, улар республика ва халқаро миқёсдаги турнирларда муваффақиятли қатнашмоқда. Эътиборлиси, ушбу спорт тури билан шуғулланаётган жуда ёш спортчилар ҳам бор. Масалан, 5 ёшли Камола Маматқуллова Сирдарё вилояти чемпионатида қатнашди. Тенгдош рақиб бўлмагани боис ўзидан катта 7 ёшли шахматчи қизларга қарши доня суришига тўғри келди. У ўз иқтидори ва маҳорати билан барчани қойил қолдирди. Яқиний натижаларга кўра мазкур мусо-

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

## «Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан олиб бориладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога тақлиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан «O'zsanootqurilishbank» АТБ балансида бўлган:

— Андижон вилояти, Асака тумани, “Бирдамлик” МФЙ, Жалолиддин Мангуберди кўчаси, 155-уйда жойлашган шиофхона биноси;

— Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Янги Марғилон, “Роҳат” МФЙ, Марғилоний кўчаси, 440-уйда жойлашган ишлаб чиқариш биноси;

— Фарғона вилояти, Данғара тумани, “Навбахор” МФЙ, Тадбиркор кўчаси, 18-уйда жойлашган текстиль маҳсулотларини бўяш ускунаси ва биноси;

— Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Чотқол” МФЙ, Тонг йулдузи кўчаси, 323 “А”-уйда жойлашган гишт заводи биноси ва фронтал погрузчик сотилади.

Сотиш шартини ва нархи билан “www.e-realtor.uz” сайти орқали танишасиз.

Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар “e-realtor.uz” платформаси орқали ариза беришади.

Call-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайтимиз: “www.e-realtor.uz”

## Кувайтда илк бор ўтказилган «Kuwait International Gold & Jewelry Exhibition» халқаро кўргазмасида ўзбек миллий ва замонавий заргарлик буюмлари намойиш этилди.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонини орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6768

Тахриратга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетаник етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетаник полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахоҳна телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислам Каримов кўчаси, 55-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.  
Мусахҳиҳ — С. Исламов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоҳнаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.00 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6

РЕКЛАМА

## Қизиқиш билдиришга сўров

### «Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZ

**Хизмат тавсифи:** “Дастурий маҳсулотлар ва аxbорот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси доирасида “UZ-DIP-529003-CS-CQS — Ҳаракатланиш имконияти чекланганлар учун ишга тайёргарлик бўйича кўникмаларни ривожлантириш тренинг дасту-

лари” консалтинг хизматлари учун мувофиқ консалтинг ташкилотларини қизиқиш билдиришга тақлиф қилади.

**Қизиқиш билдиришинг охири мuddати:** 2026 йил 7 январь соат 23:00 гача.

**Батафсил маълумот учун:** «udip@it-park.uz», 71-209-11-99, +99890 929-60-49.

## «E-AUTOTECH» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан олиб бориладиган авто, махсус транспорт, ускуналар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога тақлиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан «O'zsanootqurilishbank» АТБ балансида бўлган:

— Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, “Қанжирға” МФИда жойлашган кувур ишлаб чиқариш ускунаси сотилади.

Сотиш шартини ва нархи билан “e-autotech.uz” сайти орқали танишасиз.

Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар “e-autotech.uz” платформаси орқали ариза беришади.



E-AUTOTECH

Call-марказ: +99855-517-22-20.

Расмий сайтимиз: «e-autotech.uz»